



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 17 июнь, № 122 (9017)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ИСЛОҲОТЛАР ШИДДАТИ МАСЪУЛИЯТ ВА ТАШАББУСКОРЛИКНИ ТАЛАБ ЭТАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 16 июнь куни ислохотлар натижадорлиги, ҳудудларда ишларнинг бориши ва аҳолини қийнаётган масалалар таҳлили бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Йиғилиш бошида жорий йилнинг беш ойидаги иқтисодий-ижтимоий кўрсаткичлар қайд этилди. Бу даврда sanoat 6,4 фоиз ўсган, экспорт миқдори 18 фоиз, хорижий инвестициялар 46 фоиз ошган. Қиймати 3 миллиард долларлик 2 минг 500 дан зиёд янги қувватлар ишга тушган. 2 миллион 400 минг одам даромадди бўлган.

Шу билан бирга, дунёда турли можаролар авж оляпти, савдо алоқалари ва логистика қийинлашпти. Тинчлик, адолат ва инсон қадрини улуғлашга бўлган эҳтиёж ҳар қачонгидан ҳам ошиб борапти.

Шунинг учун ҳокимлар ва вазирлар имкониятларини тўғри баҳолаб, ташаббус кўрсатиб ишлаши, аҳоли ва бизнес вакиллари билан мулоқотни янада кучайтириб, муаммоларни тез-тез ҳал қилиб бериши зарур.

Йиғилишда бу масала ҳудудлар ва тармоқлар кесимида таҳлил қилиниб, тизимли камчиликлар кўрсатиб ўтилди.

Масалан, ҳар бир тумандаги 40 дан зиёд ташкилотларда ўртача 500 нафар ходим ишлайди. Лекин айрим оддий масалаларни ҳал қилиш учун ҳам вилоятдан, улар эса республикадан рўхсат олиши керак. Ёки ваколати ва маблағ етарли бўлган ташкилотлар ўзини “назоратчи” деб билиб, аҳолининг оғирини енгил қилиш билан шуғулланмапти.

Вазирлар, ҳукуматдаги масъуллар тартиб-интизомга қаттиқ эътибор бермагани учун ислохотлар ижроси нўзилиб кетаяпти. Суд қарорлари вақтида бажарилмаётгани юзасидан ҳам муносабатлар кўп.

Йилнинг қолган даврида 26,5 миллиард долларлик инвес-

тиция киритилиши, 1 сентябргача 3,3 миллиард долларлик 35 та йирик лойиҳа ишга туширилиши кўзда тутилган.

Яқинда бўлиб ўтган IV Тошкент халқаро инвестиция форумида 30,5 миллиард долларлик савдо ва инвестиция шартномалари имзоланди. Улар бўйича ҳам тизимли иш олиб бориш керак.

Шу боис йиғилишда ижро интизомини мустаҳкамлаш, аҳоли муаммолари билан ишлаш бўйича янги тизим йўлга қўйилиши белгиланди.

Бундан буён ижро интизомига Ҳисоб палатаси масъул бўлади, унинг ваколатлари кенгайтирилади. Берилган маблағларнинг фақат тўғри сарфланиши эмас, балки нима самара бергани, аҳоли бундан қанчалик рози бўлгани ҳам ўрганилади. Палата бу таҳлиллардан келиб чиқиб давлат раҳбарига тақлифлар киритади. Президент Администрациясининг Назорат инспекцияси тугатилади.

Тошкент шаҳрида ўзини оқлаган “Халқ назорати” электрон портали бутун республикада ишга туширилади. Бу тизим муносабатларнинг ягона платформаси бўлади ва унга барча вазирлик, идора, ҳокимликлар уланади.

Охириги пайтларда Халқ қабулхоналари аҳоли дардини эшитиб, масалаларни ҳал қилиш ўрнига муносабатларни давлат ташкилотларига тақсимловчи воситачига айланиб қолган эди. Жойлардаги муаммолар ҳал бўлмагани учун ижтимоий тармоқлар орқали чиқишлар кўпайган.

Президентимиз аҳолининг дарду ташвишларини эшитиб, одамларга шароит яратиб бериш раҳ-

барларнинг асосий вазифаси эканини таъкидлади.

— Ҳар бир муносабат ортида инсон тақдирини, унинг дарди ва умиди турганини унутмаслигимиз керак. Халқнинг дарди билан яшаш биз учун мажбурият, — деди Шавкат Мирзиёев.

Шу боис Халқ қабулхоналари таркиби фидойи мутахассислар билан тўлдирилиши айтилди. Энди Халқ қабулхоналарига вилоят ва туман ҳокимининг ўзи раҳбарлик қилади. Улар ҳар куни ишини аҳоли дарди ва ташвишларини эшитишдан бошлайди. Бугун тузилган муаммони кейинга ўтказишга йўл қўйилмайди. Муносабатни бошқа идорага юбормасдан, шу жойнинг ўзида ҳал қилади. Бунинг учун туман ҳокимининг ваколатлари кенгайтирилади.

Масалан, ҳокимда туман ташкилотлари штатини тақсимлаш, яхши раҳбарни рағбатлантириш, сустроғини вазифасидан озод қилиш бўйича ваколат йўқ. Ҳоким ҳам, ўринбосарлари ҳам кўп вақтини йиғилиш ўтказишга сарфлаяпти.

Қуйи бўғиндаги штатлар ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш мақсадига мос эмас. Тармоқ ташкилотлари кўп йиллик режалар дастурини қилиб ташаббус кўрсатмаяпти, кунлик топшириқлар билан овора.

— Туман бўғини самарали ишлама, юқоридан қандай топширик туширилмасин, кўзланган мақсадларга эришиб бўлмайди, — деди Президент.

Давлатимиз раҳбари шунга қаратилган муҳим ташаббусларни илгари сурди.

Энди туманларда ёндашув ҳам, бошқарув тизими ҳам ўзгаради. Бу йил Сурхондарё вилоятида ҳамда

16 та ҳудудда — Бектемир, Қўнғирот, Чимбой, Асака, Ёғдўвон, Ғаллаорол, Яқкабғо, Хатирчи, Чортоқ, Булунғур, Сирдарё, Кува, Шовот, Ҳазорасп туманлари, Марғилон ва Янгийўл шаҳарларида янги бошқарув жорий этилади.

Яъни иқтисодиёт ва молия, инвестиция, қишлоқ хўжалиги, бандлик, қурилиш, экология, маданият, оила ва хотин-қизлар, ёшлар масалалари бўйича 9 та давлат идорасининг туман бўлими ҳокимлик тизимига ўтади. Улардаги жами штатларини тақсимлаш, ишга олиш ва бўшатини ҳоким ҳал қилади. Туманлар иштирокида қоладиган маблағлар манбаси кўпайтирилади.

Энди ҳокимда 4 нафар ўринбосар бўлади. Туман ё шаҳарнинг ривожланиш режасига қараб, қайси соҳа бўйича ўринбосар бўлишини унинг ўзи белгилайди. Ҳоким ўринбосарига аниқ вазифалар юклатилиб, ҳар бир вазифа ва функцияси маблағи билан мустаҳкамланади.

Ҳоким ва унинг ўринбосарлари самарадорлик кўрсаткичларини тўлиқ баҳарса, кейинги йил ҳудудга бериладиган маблағ 10 — 15 фоиз кўпайтирилади. Акс ҳолда маблағ оширилмайди ва масъул раҳбар ишдан кетади.

Туманда соҳа мутасаддилари ва етакчи тadbirkorлардан иборат “Ислохотлар штаби” тузилади. У орқали маҳаллалар кесимида лойиҳа, инфратузилма, молиявий манба, кадрлар масаласини қамраб олган уч йиллик дастур тайёрланади. Келгуси йил учун бюджет, инфратузилма, ишлаб чиқариш, хизмат, инвестиция ва бандлик дастурлари шу асосда тасдиқланади.

Бу янги тажриба, натижаларга қараб, келгуси йилдан бутун республикада ишга қўйилади.

Яна бир муҳим янгилик — ишчан ва жозибдор муҳит яратиш учун 1 августдан барча вилоят ва туман ҳокимликларида иш ҳақи оширилади, ходимларга ишга қараб ойлик устама ва қўшимча бонус берилади.

Лекин ўзига юклатилган вазифани бажара олмаганларга чора қўйилади. Ана шунда ҳамма интизом ва режа билан ишлашга ўрганади.

Йиғилишда ҳудудларда бандликни таъминлаш, камбағалликни қисқартириш, инвестиция ва экспорт ҳамда муҳитни яхшилаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Солиқ маъмуричилигини яхшилаб, аҳоли тadbirkorлигини ва иш ўрни яратишни қўллаб-қувватлаш зарурлиги таъкидланди.

Маҳаллаларга сув олиб бориб мева-сабзавот етиштириш, замонавий агротехнологиялар орқали экспортни кўпайтириш имкониятлари кўрсатиб ўтилди. Ўрмон ва яйловлардан қорвақилда фойдаланиб, гўшт ва сут маҳсулотларини кўпайтириш, озиқ-овқат инфляциясини жиловлаш чора-таdbirkorлари белгиланди.

Шаҳарларда жамоат транспортини ривожлантириш, йўл ҳаракатини тўғри ташкил қилиб, тadbirkorлик ва автохалокатларни камайитиришнинг аҳамияти қайд этилди. Одамлар сайр қиладиган жойлар, ашиллик ва болалар майдончаларини кўпайтириб, халқни рози қилиш талаби қўйилди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан Бош вазир, ҳукумат аъзолари ва ҳокимлар ахборот берди.



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ АМАЛИЙ ТАШРИФ БИЛАН ҚОЗОҒИСТОНДА БЎЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаевнинг таклифига биноан «Марказий Осиё – Хитой» форматидagi иккинчи саммитда иштирок этиш учун 17 июнь куни амалий ташриф билан Остона шаҳрида бўлади.

Тadbirkorда минтақа давлатлари раҳбарлари ва Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин иштирок этади. Сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳалардаги кўп томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари қўриб чиқилади, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилади. Яқинда қўшма ҳужжатлар қабул қилиниши кўзда тутилган.

Саммит доирасида Ўзбекистон Президенти Хитой Раиси билан икки томонлама учрашув ҳам ўтказилади.

Таъкидлаш жоизки, бу форматдаги биринчи саммит Марказий Осиё давлатлари ва Хитой ўртасидаги шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш ва амалий ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида 2023 йил май ойида Хитойнинг Сиань шаҳрида бўлиб ўтган эди.

ЎзА.

«Марказий Осиё — Хитой»:

МИНТАҚАВИЙ ҲАМКОРЛИКНИНГ САМАРАЛИ МОДЕЛИ

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 17 июнь куни Қозоғистон пойтахти Остона шаҳрида бўлиб ўтадиган “Марказий Осиё — Хитой” иккинчи саммитида иштирок этади.

Саммит

Мазкур платформанинг асосий мақсади — минтақа давлатлари ва Хитой ўртасидаги кўп қиррали алоқаларни мустаҳкамлаш, минтақалараро ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган савдо-иқтисодий, инвестиция, транспорт, ҳудудлараро алоқалар, қишлоқ хўжалиги, энергетика, “яшил” энергетика, божхона иши, маданий-гуманитар каби соҳаларда ҳамкорликни мустаҳкамлаш, миллий та-

раққиёт стратегияларини “Бир макон, бир йўл” ташаббуси билан уйғунлаштириш бўйича фикр алмашинилади.

Тизимли тус олаётган “Марказий Осиё — Хитой” мулоқоти, биринчи навбатда, ўзаро иқтисодий манфаатларга қаратилган. Хитой сўнгги йилларда Марказий Осиё давлатларининг савдо ҳамкорлари орасида доимий равишда етакчи ўринни эгаллаб келмоқда. Хитой капитали иштирокида минтақавий қўшма маънавиятларида савдо соҳаларида ўнлаб лойиҳалар амалга

ошириляпти.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯНИ ТАЪМИНЛАШ БОРАСИДАГИ ЮТУҚЛАРИ ЮҚОРИ БАҲОЛАНДИ

Шу йилнинг 2 — 13 июнь кунлари Женева шаҳрида Халқаро меҳнат конференциясининг навбатдаги 113-сессияси бўлиб ўтди.

Эътироф

Ҳар йили ўтказиладиган аънавий конференция ишида Халқаро меҳнат ташкилотига аъзо 187 та давлатдан қарийб 5 минг, шу жумладан, ҳукумат, касаба уюмлари ҳамда иш берувчилар уюмлари вакиллари иштирок этади. Кун тартибидан иш

жойларида биологик хатарлардан ҳимояланишни таъминлашда халқаро стандартларни қўллаш, платформали бандлик, расмий иқтисодиётга ўтиш, шунингдек, жорий йилнинг ноябрь ойида Қатарда ўтказиладиган ижтимоий ривожланиш бўйича бутунжаҳон саммитига тайёргарлик кўриш масалалари ўрин олди.

ТИНЧЛИКНИ ТАНИШ

Урушлар, қурбонлар, қонлар, зиддиятлар, таҳлика ва таҳдидлар, тажовузлар қаршисидаги ўйлар

Нотинч дунё узра яна бир тонг отди. Лекин бу тонг кимгадир қулфат, бошқа бировга айрилиқ, йўқотиш, алам ва изтироб олиб келди. Бугунги жаҳонда мақсадсиз урушлар туфайли мислсиз ғам-қайғулар, фарёдлар, нолалар овози кезиб юрибди.

Мушоҳада

XXI асрда очлиқдан, сувсизликдан ўлаётганларнинг борлиги, уларнинг ақсариёти болалар экани қанчалар даҳшат. Урушни бошлаётганлар, унга сабаб бўлаётганлар бир четда қолиб, беғуноҳ одамларнинг қони тўкилаётгани, яқинларини йўқотаётгани, бошпанасиз қочқинга айланаётгани билан мутлақо муро-са қилиб бўлмайди.

Бугун биз нотинч дунёда яшаётганимизни унутмаслигимиз керак. Уруш огоҳлиқни, хушёрликни йўқотган бутун бошли мамлакатларни, халқларни ўз домига аёвсиз тортиб кетмоқда. Инсоният урушлардан ҳулоса чиқариш ўрнига унинг янги-янги усул-

ларини ўйлаб топмоқда. У инсониятга сабоқ беради деган аксиомалар бутунлай ўз мазмун-моҳиятини йўқотгандек, гўё.

Минг афсуски, жаҳонда урушлардан манфаат қўрувчи қучлар ҳам пайдо бўлди. Қурол-яроғ савдоси, қуролланиш пойгаси авж олди. Ўзга мамлакатларнинг ички ишларига аралашши, уларни ўз йўлига юргизиш, бўйсундиришга уринишлар тобора ортиб бормоқда. Зиддиятларни келтириб чиқаришга ихтисослаштирилган, бунга ўзига қасб қилиб олган тузилмалар мавжуд. Улар турли фондлар, ижтимоий ёрдамлар, кўнгилчилар қиёфасига ки-

риб борган жойларида уруш оловини ёқишга интилаётир. Урушлар инсониятга қурбонлар, азиятлар, айрилиқлар бериш билан бир қаторда кимларнидир бой ва бақувват бўлишига ҳам сабабчи бўляпти. Бироқ кимгадир тахт, бахт олиб келган уруш халққа ҳеч нарса бермаган. Бундан кейин ҳам бермайди.

Уруш олови ичида қолган Ироқ, Сурия, Ливия, Афғонистон каби мамлакатлар аҳолиси ўта қашшоқлашган, давлат мустақиллиги эса савол остида қолган, иқтисодиёт бутунлай таназзулга юз тутганини қўриб-билиб турибмиз. Вазият шундай давом эта-

верса, бу мамлакатларни жуда оғир қўрғилиқлар кутмоқда.

Мавжуд тузумни хорижлик ҳамкорлари ёрдамида ағдарганлар, уларнинг кўмаги билан “демократик жамият” барпо этмоқчи бўлганлар бутунлай янгилашдилар. Аслида аҳвол олдингидан ҳам ёмонлашиб, миллионлаб одамлар қочқинга айланмоқда. Уларнинг тақдирини номаълумлигича қолаётир.

Инқилоб ва исёнлар фаровонлик олиб келган мамлакатни кўрмадим. Аксинча, аҳвол янада мураккаблашиб, боши берк қўчага кириб қолаётганига гувоҳ бўлмоқдамиз.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА ИЖТИМОЙ ҲИМОЯНИ ТАЪМИНЛАШ БОРАСИДАГИ ЮТУҚЛАРИ ЮҚОРИ БАҲОЛАНДИ

Сессия ишида Олий Мажлис Сенати Раиси, Одам савдосига қарши курашиш ва муносиб меҳнат масалалари бўйича миллий комиссия раиси Т. Норбоева бошчилигида Камбағаллики қисқартириш ва бандлик вазири, Касаба уюшмалари Федерацияси ҳамда Иш берувчилар конфедерацияси вакилларидан иборат Ўзбекистон делегацияси иштирок этди.

Делегациямиз сессия доирасидаги ХМТ Бош директорининг “Иш ўринлари, ҳуқуқлар ва ўсиш: ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш” мавзусидаги маърузасини муҳокама қилишга бағишланган ялпи мажлисда, ХМТ кўмиталаридаги муҳокамаларда, Ижтимоий адолат учун глобал коалиция форумида ҳамда Бутунжаҳон болалар меҳнатига қарши курашиш кунига бағишланган тадбирларда фаол иштирок этди.

Халқаро меҳнат конференциясининг 113-сессияси доирасида 12 июнь — Бутунжаҳон болалар меҳнатига қарши курашиш куну муносабати билан ташкил этилган махсус конференцияда Ўзбекистон тажрибаси ХМТга аъзо 187 та давлатлар орасида қисқа вақт мобайнида болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга бўғунлай барҳам берган давлат сифатида тақдирот қилинди.

Унда Танзила Норбоева “Болалар меҳнатига барҳам беришда Ўзбекистон тажрибаси” мавзусида маъруза қилди.

Миллий комиссия раиси ўз нутқида Ўзбекистон Президенти Шавкат

Мирзиёевнинг кучли сиёсий иродаси ҳамда шахсий ташаббуси билан ушбу иллатга қарши кўрилатган қатъий амалий чоралар ўзининг ижобий натижа-сини кўрсатганини таъкидлаб ўтди. Бундан ташқари, мамлакатимизнинг бола-лар меҳнати ва мажбурий меҳнатга нисбатан қатъий позицияси, уларнинг таққиланмиши Конституция даражасида мустаҳкамлангани соҳага оид ислохот-ларнинг мустаҳкам ҳуқуқий пойдевори бўлгани айтиб ўтилди.

Шунингдек, тадбирда Халқаро меҳ-нат ташкилоти, Халқаро касаба уюш-малари Конфедерацияси, Халқаро иш берувчилар Конфедерацияси, ЮНИСЕФ каби халқаро ташкилотлар ҳамда Гер-мания, Бразилия, Филиппин, Марокаш ва Чили ҳукумати вакиллари маъруза билан иштирок этди.

Экспертлар томонидан Ўзбекистон тажрибаси бугунги кунда болалар меҳ-нати ва мажбурий меҳнатга қарши ку-раш олиб бораётган давлатлар учун ан-доза бўла олиши алоҳида эътироф этилди.

Халқаро меҳнат ташкилоти Бош ди-ректорининг ташаббуси ҳисобланган Ижтимоий адолат бўйича Глобал коа-лицияда Ўзбекистон биринчи аъзо мам-лакат сифатида иштирок этди.

Женевадаги Халқаро меҳнат конфе-ренцияси доирасида бўлиб ўтган Иж-тимоий адолат бўйича Глобал коали-ция форумида Сенат Раиси Танзила Норбоева ўз маърузасида Ўзбекистон

Президенти ташаббуси билан ҳаётга татбиқ этилаётган “Ўзбекистон — 2030” стратегияси доирасида инсон ҳуқуқла-рини таъминлаш, ижтимоий адолатни мустаҳкамлаш ва ҳар бир фуқарога му-носиб турмуш шароитларини яратиш, камбағаллики қисқартириш борасида-ги ишларга алоҳида эътибор қарати-лаётганини таъкидлади.

Қайд этилганидек, ижтимоий ҳимо-яга эндиликда нафақат имтиёз, балки фундаментал ҳуқуқ сифатида қаралмоқ-да. Бу борада Халқаро меҳнат ташки-лоти билан ҳамкорликда ишлаб чиқил-ган 2030 йилгача ижтимоий ҳимоя бўй-ича миллий стратегия универсал қамров, ижтимоий хизматлар, ижтимоий суғур-та ва меҳнат бозорида фаол чоралар-ни ўз ичига олади.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон инсон капиталини ривожлантириш, корруп-цияга қарши курашиш, самарали бошқарув ва экологик барқарорликка эришишни асосий устуворлик деб билади. Ушбу таъминлаш ҳимоя ҳуқуқлари асосланган иқтисодий ёндашув билан уйғунлашади.

Тадбирда БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси сўнгги йилларда Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари соҳасида эришилган ижобий тажрибани эътироф этди. Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари ва ижтимоий ҳимояни таъминлаш борасида юқори натижалар-га эришган давлат сифатида эътироф этилди.

«Халқ сўзи».

«Марказий Осиё — Хитой»: МИНТАҚАВИЙ ҲАМКОРЛИКНИНГ САМАРАЛИ МОДЕЛИ

Марказий Осиё ва Хитой ишбилармон доиралари ва-киллари томонидан ташкил этилган қўшма корхоналар сони бугунги кун-да 6 мингга яқин. Минтақанин Хит-ой билан умумий савдо айланмаси 2024 йилда 94,8 млрд. долларни ташкил этган бўлса, 2025 йилда ҳисоб-китобларга кўра бу кўрсаткич 100 млрд. долларга етади.

Марказий Осиё “Бир макон, бир йўл” стратегиясининг асосий эле-менти бўлиб, унинг доирасида Ев-ропага янги транспорт йўлакларини яратиш учун йўллар, савдо марказ-лари ва логистика инфратузилмаси-ни қуриш ишлари жадал олиб бо-рилмоқда.

Биринчи “Марказий Осиё — Хи-той” саммити 2023 йил 18-19 май кунлари Сянъ шаҳрида бўлиб ўтган эди. Мазкур саммит Сянъ декла-рациясининг имзоланиши, давлат раҳбарларининг ҳар икки йилда бир марта навбатма-навбат Хитой ва минтақа давлатларидан бирида уч-рашувлар ўтказиш механизмининг йўлга қўйиш, шунингдек, идорала-раро даражада ўзаро ҳамкорликини фаоллаштириш билан яқунланди. Натижада 9 та кўп томонлама ҳуж-жат имзоланди ва 19 та ҳамкорлик платформаси яратилди.

Хусусан, формат доирасида қишлоқ ҳўжалиги вазирлари, ички ишлар, ташқи ишлар, таълим ва транспорт вазирлари, божхона хизматлари раҳбарлари, иқтисодиёт ва савдо ва-зирларининг учрашу-влари, таҳлилий марказ-лар, ахборот агентлик-лари форумлари ва бош-қа кўп томонлама ҳам-корлик механизмлари ишга туширилди.

“Марказий Осиё — Хитой” иккинчи саммити-га тейёрлик 2025 йил апрель ойида Олмаота-да бўлиб ўтган ташқи ишлар вазирларининг VI учрашувидан бош-ланди. Унда Остона шаҳрида бўлиб ўтади-ган олий даражадаги саммит кун тартиби муҳокама қилинди ва имзоланиши режалаштирилган ҳужжатлар кели-шиб олинди.

Таҳлилчиларнинг айтишича, бу формат минтақавий ҳамкорлиқнинг узоқ муддатли тизимига айланишни ваъда қилмоқда.

“Марказий Осиё — Хитой” фор-матининг фаол иштирокчиси сифа-тида Ўзбекистон Хитой билан икки томонлама асосда шериклики му-ваффақиятли давом эттирмоқда. Икки давлат раҳбарлари ўртасида яқин, ишончли сиёсий мулоқот йўлга қўйилган бўлиб, бу икки томонлама ҳамкорликка барқарорлик ва дина-мик ҳусусият тақдим этмоқда.

2022 йилда Ўзбекистон ва Хитой икки томонлама муносабатларни мавсумий стратегия шериклик да-ражасига кўтарди. Бу маком юқори даражадаги ўзаро ишонч, барқарор-лик ва халқаро вазиятдан қатъи на-зар, ҳар икки томоннинг яқиндан ҳамкорлик қилишга тайёргилини акс эттирди. Мазкур жиҳат, шунингдек, Ўзбекистон ва Хитойнинг кўп кир-

рали муносабатларини узоқ муддат-ли асосда мустаҳкамлаш ниятини тасдиқлайди. Президент Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида амалга оширилаётган тизимли ислохотлар бундай тараққиётнинг муҳим омил-ларидандир.

Улар мамлакатга йирик хорижий инвесторларни, жумладан, Хитой корпорацияларини жалб қилиш учун шароит яратди. Хусусан, Хитой ком-паниялари юртимизда энергетика, қурилиш, машинасозлик, кимё, тўқи-мачилик саноати ва бошқа соҳалар-да қўшма лойиҳаларни амалга оши-ришда фаол иштирок этмоқда.

Бугунги кунда Хитой Ўзбекистон-нинг етакчи савдо-иқтисодий ҳам-корига айланган. 2024 йилда икки мамлакат ўртасидаги товар айир-бошлаш ҳажми 13 млрд. доллар-дан ошди. 2011 йилдан бери ҳам-корлик бўйича Ўзбекистон — Хи-той ҳукуматлараро кўмитаси фао-лият юритиб келяпти. Унинг 7-маж-лиси 2024 йил 13 май кунини Тош-кентда бўлиб ўтди. Хитой Ўзбекис-тоннинг инвестициявий шериклари орасида ҳам етакчи бўлиб қо-лмоқда. 2024 йилда умумий қийма-ти 1,9 млрд. долларлик 64 та лойиҳа ишга туширилди, 2017 — 2024 йилларда Хитой инвестиция-ларининг умумий ҳажми 23,1 млрд. долларни ташкил этди.

Ҳозирги пайтда мамлакатимиз-да Хитой инвестицияси иштиро-кидаги 3,5 мингдан ортиқ корхо-налар бор. Улардан 220 таси 2025 йилда ташкил этилган. Пар-ламентлараро ва худудлараро ҳамкорлик ҳам фаол ривожланиб, маданий-гуманитар алмашину-влар кенгаймоқда. Бу ўзаро ишонч ва ҳар томонлама алоқаларни чуқурлаштиришга интилишнинг юксак даражасини ифодалайди. Бунинг учун икки мамлакат халқ-лари ўртасидаги тарихий ришта-лар мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қиляпти.

Ўзбекистон — Хитой муносаба-тарининг конструктив ҳусусияти бутун минтақавий кун тартиби учун ижобий тенденциясини белгилаб беради, шериклик муносабатлари-ни мустаҳкамлашда муҳим ўрин ту-тади, шунингдек, “Марказий Осиё — Хитой” форматидаги ҳамкорлик самарадорлигини оширишнинг асосий омилларидан бири ҳисоб-ланади.

Остона шаҳрида бўлиб ўтадиган “Марказий Осиё — Хитой” саммити минтақанин энг долзарб ва му-ҳим масалалар бўйича консолида-циясига янги туртки бериши кутил-моқда.

Давлатимиз раҳбарининг мазкур саммитда иштирок этиши эса Ўзбе-кистон ишонч, яхши қўшничилик му-ҳитини мустаҳкамлаш ва долзарб минтақавий ҳамда халқаро муаммо-ларни ҳал этишда ўзаро мақбул ёндашувларни конструктив излашга содиқлигини яна бир бор тасдиқ-лайди.

«Дунё» АА.

ТИНЧЛИКНИ ТАНИИШ

АҚШнинг биринчи Прези-денти, “Миллатнинг ишончли отаси” деган унвонга сазовор бўлган Жорж Вашингтон Англия вакиллари билан музокаралар олиб бориб, икки давлат ўртасида келиб чиқш ара-фасида турган урушнинг олдини олишга ҳаракат қилди. У: “Келинг, масалани қурол билан эмас, ақл билан ечайлик. Уруш очиш ҳар икки томон учун ҳам энг сўнгги чорадир”, дея таъкидлаганди.

Орадан неча асрлар ўтган бўли-шига қарамасдан бу таъминлаш ҳали ҳам ўз муҳиятини йўқотгани йўқ. Ас-лида босиқлик, ақл, идрок, тенглик билан ҳал этилиши мумкин бўлган масалалар урушларни келтириб чи-қаряпти. Нохай қон тўкилишига олиб келяпти.

Катта ва қудратли давлатларнинг босими, доимий аралашуви, кучсиз давлатларни ўзига бўйсундириш ҳаракатлари ҳам урушларнинг келиб чиқишига туртки бўлмоқда.

Жаҳон тарихида “Монро назария-си” деб ном олган тарихий-сиёсий ҳужжатни яратган АҚШнинг яна бир Президенти Жеймс Монро: “**Тинчли-гимиз, келажагимиз учун ўзимиз курашмасак, ким курашади?**” деб айтган эди. У томонидан илгари су-рилган назариянинг асосий мазмунини Америка устидан Европа ҳукмронли-гининг ҳар қандай кўринишига қарши чиқишдан иборат бўлган: “**Америка қитъаси ҳеч бир Европа давлати томонидан мустамлака мақони сифатида кўрилмаслиги керак. Бун-дай уринишни биз ўз тинчлигимиз ва хавфсизлигимизга нисбатан тахдид деб ҳисоблаймиз**”. Монро назарияси АҚШнинг худудий жиҳат-дан дахлсиз давлат эканини яна бир



бор мустаҳкамлади. Ташқи дунё мам-лакатлари билан тенг ҳуқуқли алоқа-га киришиш имконини берди.

Мустамлака мақони сифатида қараш вавасаси бугун ҳам авж ол-моқда. Қўлдор ҳақида итотини ис-тайди. Бу жирканч иллат ҳали ҳам борлиги бизни ҳушёрликка ундаши-зарур. Бугунги урушлар остида мана шу ёвуз мақсадлар ҳам яширинган.

Ўзбекистоннинг тинчлигини таъ-минлаш борасида Президентимиз Шавкат Мирзиёев кейинги 9 йилда мисли кўрилмаган тарихий қадамлар-ни ташлади. Аввало, мамлакатнинг ички тинчлигига алоҳида аҳамият қаратилди. Бу, аввало, халқнинг ро-зилигига эришиш, инсон қадрини улуғлаш, халқ фаровонлигига инти-лиш, давлат хизматчиларининг том маънода халқ хизматчисига айлани-шида намоён бўлади. Қолаверса, “Қўшнинг тинч — сен тинч” олтин қоида-сига, бутун дунё учун очиллик сифатига амал қилинди. Ўзгалар манфаати шахсий манфаатидан ус-тун қўйилди. Қон-қардошлик, тари-хий дўстлик, яқин қўшничилик анъ-аналарига садоқат мустаҳкамланди.

Ўтган давр Ўзбекистоннинг тинч-

ликпарвар сиёсати тўғри эканини ис-ботлади. Ўзбекистон нафақат Мар-казий Осиёда, балки бутун Осиё, Ев-ропа, Америка қитъасида ҳам тинч-лик тарафдори сифатида танилди ва тан олинди. Ўзбекистон халқаро ту-зилмалар доирасида ҳам тинчликпар-вар мамлакат сифатида эътироф этилмоқда.

Мен бугунги нотинч дунёга, давлат раҳбарларига Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни ибрат қилиб қўрат-моқчиман.

Бугун Ўзбекистон тинч тараққиёт йўлидан кетмоқда. Бу борада у дўстларини ҳам ўз ортидан эргаш-тиришга ҳаракат қиляпти. **Марказий Осиё тинчлиги ташаббускори — Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевдир.** Бу фақат менинг фикрим эмас, балки жаҳон ҳамжа-мияти ва халқаро экспертларнинг ҳаққоний ҳулосаси.

Унутмаслигимиз керакки, **тинчлик бор жойда** бунёдкорлик ҳам, ислох-отлар ҳам, фаровонлик ҳам бўлади. **Тинчлик йўқ жойда** эса фақат оқ-фарёд, кўз ёш, ғам-қўлфат... Бугун халқимиз зиммасида улкан масъули-ят турибди — Ватанимиз тинчлигини кўз қорачиғидек асраш ва унга бўлган ҳар қандай тахдидга қарши курашиш.

Тинчлик — музейга қўйиладиган экспонат эмас. У ҳар бир дақиқада, ҳар биримиздан курашишни, огохли-кни, ҳушёрлигини талаб этади. Биз ҳаммадан ҳам кўра хиёнаткорлардан, ватанфуршушлардан эҳтиёт бўлиши-миз керак. Ташқи душман, ички душ-ман билан бирлашда деган қараш бор. Ватанимиз тинчлиги **биз учун ҳаёт-мамонт масаласидир.**

Мен ҳар бир юртдошимиз Ватани-миз тинчлигини Президентимиз да-ражасида яхши кўриши ва қадрла-нишни истайман. Тинчликка бўлган тахдидлар бугун ҳар қачонгидан ҳам кучайганини унутмаслигимиз керак.

Ўзбекистон тинчлик борасида мустаҳкам позицияга эга. Биз чорак аср давом этган уруш тахдидини ўз танамиздан ўтказганмиз. У кунлар-нинг қайтишини ҳеч қачон истамай-миз. Шу боис Ўзбекистон раҳбари қатъий сиёсий иродасини намоён қилиб, мамлакатимиз аъзо бўлган халқаро ташкилотлар фаолиятида ҳам, аввало, тинчлик бўлиши, ҳар қандай зиддиятлар тинч йўл билан ҳал этилиши тарафдори бўлиб келмоқда.

Тошкентда яна бир тинчлик тонги отди. Нафақат Тошкентда, балки она Ватанимизнинг ҳар бир гўшасида тинчлик тонглари отади. Оналар гўдакларига алла айтади. Муаззин-нинг азон қақирғи эшитилади. Тўйга отланаётган оқсоқолларимиз сафи кўринади. Нуруний оталар дастурхон бошида: “**Авалло, юртимиз тинч бўлсин!**”, дея дуо қиладди.

Мен “**Миллатни таниш**”, “**Ватан-ни таниш**” сўзларининг ёнига “**Тинч-ликни таниш**” бебаҳо каломини ҳам қўшиб қўймоқчиман. Тинчликни яхшилаб танийлик. Тинчлик олдида-ги масъулиятимизни унутмайлик. Тинчликни асраб-авайлашга, қадр-лашга ўрганайлик. Бу бизнинг ҳам аждодларимиз, ҳам вазодларимиз олдидаги муқаддас бурчимиздир.

Рустам ХОЛМУРОДОВ, Самарқанд давлат университети ректори, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, Олий Мажлис Сенати аъзоси.

Учрашув

ДЎСТЛИК ГУРУҲЛАРИ ИШИ ФАОЛЛАШТИРИЛАДИ

Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари кўмитаси раиси Қутбиддин Бурҳонов Грузиянинг Ўзбекистон Рес-публикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Давид Котария билан учрашди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон ва Гру-зия ўртасидаги икки томонлама муно-сабатлар изчил ривожланаётгани, ҳу-сусан, парламентлараро ҳамкорлик

кенгайиб бораётгани алоҳида таъкид-ланди. Икки мамлакат қонунчилик органлари ўртасидаги барқарор муло-қот амалий ҳамкорликини кенгайтириш-

га хизмат қилаётгани эътироф этилди.

Парламентлар дўстлик гуруҳлари-нинг ўрни ва аҳамиятига алоҳида эъти-бор қаратилди. Парламентлараро ало-қаларни янада кучайтириш мақсадида дўстлик гуруҳлари ишини фаоллашти-риш, жумладан, онлайн учрашувлар, ўзаро таширфлар ва қонунчилик соҳа-сида тажриба алмашш зарурлиги қайд этилди.

КЕНГ КЎЛАМЛИ ИСЛОХОТЛАР — АЁЛЛАР ТАДБИРКОРЛИГИНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ ГАРОВИ

Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, хотин-қиз-лар, маданият ва спорт масалалари кўмитаси раиси Озгулгул Қозихонова Малайзия халқаро тадбиркор аёллари уюшмаси президенти Нора-зизах бинти Борхан билан учрашув ўтказди.

Учрашув давомида ёшлар ҳамда хотин-қизларнинг тур-ли соҳалардаги ҳуқуқ ва им-кониятларини кенгайтириш борасидаги масалалар муҳо-кама марказида бўлди. Шу-нингдек, томонлар аёллар тадбиркорлиги соҳасидаги

ҳамкорлиқнинг муҳим жи-ҳатларини ва истиқболга мўлжалланган режаларга эътибор қаратди.

Сенатор мамлакатда кенг кўламли ислохотлар муваффақиятли амалга оширилаётганини таъкидла-

тида иштирокини кенгайти-риш ҳамда уларнинг иқти-содий имкониятларини оширишда давлатнинг роли ортиб бораётганини таъкид-лади.

Учрашувда аёллар тад-биркорлигини ривожланти-риш дастурлари ва лойиҳа-ларини амалга ошириш учун Малайзия ҳамда Ўзбекистон ўртасидаги шерикликини яна-да ривожлантириш муҳимли-ги қайд этилди.

«Халқ сўзи».

Сиёсий партиялар фракцияларида

АҲОЛИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ЭРКИНЛИКЛАРИ КАФОЛАТИ

Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда қўйи палатанинг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритилиши режалаштирилаётган қатор қонун лойиҳалари атрофлича кўриб чиқилди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси йиғилишида миграция жараёнларини бошқариш тизимини такомиллаштириш, автомобиллардан фойдаланишда аҳолига қўшимча қулайликлар яратишга қаратилган қонун лойиҳалари муҳокама-лар марказида бўлди.

Жумладан, “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси мунозаралари қизгин келди.

У билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга “огоҳлантириш” жазо чорасини киритиш ва ижтимоий хавфлилиги кам бўлган йўл ҳаракати хавфсизлиги билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар учун огоҳлантириш жазосини қўллашни назарда ту-

қаратилганини қайд этиб, уни қўллаб-қувватлаш лозимлигини билдирди.

Савол-жавоблардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қўллаб-қувватланди. **Ўзбекистон “Миллий тикла-ниш” демократик партияси фракцияси** йиғилишида давлат органи ёки унинг мансабдор шахсларининг қонунга хилоф қарори ёки ҳаракати ёхуд ҳаракатсизлиги туфайли етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тизими такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, янги таҳрирдаги Конституциямизнинг 55-моддасига мувофиқ, ҳар ким-га ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органларининг ҳамда бошқа ташкилотларнинг, улар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф

Йиғилишда қонун лойиҳаси юзасидан бир қатор аниқлаштирувчи саволлар ўртага ташланди.

Савол-жавоблардан сўнг фракция аъзолари ушбу ҳужжат фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини таъминлашга қаратилганини инобатга олиб, уни қўллаб-қувватлади.

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси фракцияси йиғилишида “Давлат органининг ёки унинг мансабдор шахсининг қонунга хилоф қарори ёки ҳаракати ёхуд ҳаракатсизлиги туфайли етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Қонун лойиҳаси билан етказилган зарарнинг ўрнини компенсация қилиш, ҳудудий компенсация жамғармаси ҳисобидан қоплаб берилган маблағларни кейинчалик айбдор, деб топилган давлат органининг мансабдор шахсидан тўлиқ миқдорда регресс тартибда ундириб олиш, ҳудудий компенсация жамғармаси маблағларини шакллантириш тартиби белгиланмоқда.

Муҳокама давомида фракция аъзолари қонун лойиҳасининг мазмун-моҳияти бўйича партия мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, бир қатор таклифлар берди. Хусусан, фракция аъзоси Шўхрат Якубов лойиҳанинг концепцияси долзарб эканини ва у партия Сайловолди дастурида акс этганини таъкидлаб, айрим нормалар бўйича аниқлаштирувчи саволлар берди.

Депутат асосий компенсация тўловлари ҳудудий компенсация жамғармалари ҳисобидан тўла-ниши, захира жамғармалари эса ҳудудларда шакллантирилиши режалаштирилаётганини қайд этиб, лекин марказий давлат органлари ёки уларнинг мансабдор шахслари томонидан қабул қилинган қарорлар оқибатида етказилган зарарлар қайси манба ҳисобидан қопланиши кераклигига ойдинлик киритиш зарурлигини таъкидлади.

Қонун лойиҳаси бўйича фракциянинг бошқа аъзолари ҳам ўз фикр-мулоҳазалари ва таклифларини билдириб, уни иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида берилган тавсиялар асосида қонун лойиҳасини такомиллаштириш лозимлигини билдирди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси йиғилишида миграция жараёнларини бошқариш тизимини такомиллаштириш, тафовут ҳамда зиддиятларни бартараф этиш, давлат органи ёки унинг мансабдор шахсининг қонунга хилоф қарори ёки ҳаракати ёхуд ҳаракатсизлиги туфайли етказилган зар-

арнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги қонун лойиҳалари муҳокама қилинди.

Фракция аъзолари ушбу қонун лойиҳаларининг ҳар бирига алоҳида эътибор билан ёндашиб, уларнинг мазмун-моҳияти, ижтимоий аҳамияти ва амалий натижаларини чуқур таҳлил этди.

Хусусан, “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига тафовут ҳамда зиддият-



ларни бартараф этишга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси муҳокамаси қизгин кечди.

Қонун лойиҳаси билан ўрмон фонди ерларини онлайн-аукцион орқали фойдаланишга бериш, шунингдек, йиғимлар фақат қонунлар билан белгиланишини назарда тутиш белгилаб қўйилмоқда. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг мактабгача таълим ва тарбиянинг давлат стандартини тасдиқлаш ваколатини Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигига ўтказиш таклиф этиляпти.

Муҳокама чоғида фракция аъзоси Қизилгул Қосимова бошқа йўналишлардаги қонунларда тафовутлар борлигини, уларни ҳам тезроқ бартараф этиш лозимлигини, депутатлар бундай ташаббусларни қўллаб-қувватлашини билдириб, ёрдамга тайёрлигини маълум қилди. Савол-жавоблардан сўнг қонун лойиҳаси қўллаб-қувватланди.

Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси йиғилишида “Миграция жараёнларини бошқариш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда фуқа-

роларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоялаш, миграция жараёнларини бошқариш тизимини ислоҳ қилиш орқали бошқарув самарадорлигини ошириш, миграция соҳасида хусусий сектор иштирокини кенгайтириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Ушбу саяй-ҳаракатларга қарамай миграция соҳасида ҳуқуқни қўллаш амалиётини яхшилаш,

соҳадаги хизмат кўрсатиш жараёнларининг шаффофлигини таъминлаш, хусусий бандлик агентликлари фаолиятини тартибга солиш, уларнинг масъулиятини кучайтириш зарурати юзага келяпти.

Мазкур қонун лойиҳаси билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга, “Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида”ги ва “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги қонунларга Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миграция агентлигининг ваколатларини аниқлаштириш, хусусий бандлик агентликларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини кенгайтиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Фракция аъзолари қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида депутатлар томонидан берилган қўллаб-қувватлаш этиборга олинган ва ҳужжат матнида акс этганлигини таъкидлашди. Шу билан бирга, лойиҳадаги айрим нормалар юзасидан аниқлаштирувчи саволлар, қатор таклифлар берилди.

Муҳокамадан сўнг фракция аъзолари мазкур ҳужжат хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш истагида бўлган мамлакатимиз фуқароларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилганини ҳисобга олиб, уни қўллаб-қувватлади.

«Халқ сўзи».

17 июнь — Жаҳон чўлланиш ва қургўқчиликка қарши кураш куни



Маълумки, ҳар йили 17 июнь — Жаҳон чўлланиш ва қургўқчиликка қарши кураш куни сифатида нишонланади. Бу сана БМТнинг Чўлланишга қарши кураш тўғрисидаги конвенцияси қабул қилинган муносабати билан танланган.

Конвенция атроф-муҳит ва ривожланишни ердан барқарор фойдаланиш билан боғлайдиган ягона халқаро ҳужжатдир. Унга аъзо 197 та давлат (шундан чўлланишдан жабрланган 169 та давлат) ер унумдорлигини сақлаш ва тиклаш ҳамда энг заиф экотизимлар жойлашган қургўқчил, яримқургўқчил ва қуруқ субнам ҳудудларда қургўқчилик оқибатларини юмшатиш учун биргаликда ишлайди.

Ўзбекистон Осиё минтақасидаги давлатлар орасида биринчилар қаторида ушбу Конвенцияни ратификация қилган.

Қургўқчилик экинлар ҳосилдорлиги кескин пасайиши, ўрмон ёнғинлари ва сув танқислиги оқибатида инсон ҳаётининг издан чиқишига сабаб бўлувчи табиий офатлардан биридир. 2050 йилга бориб қургўқчилик дунё аҳолисининг тўртдан уч қисмига таъсир этиши мумкинлиги тахмин қилинмоқда. Бу эса унга қарши дунё ҳамжамияти биргаликда курашиши кераклигини аңглатади.

Чўлланиш ва қургўқчилик асоратида экин майдонлари яроқсиз ахволга келиб қолмоқда. Ер деградациясига иқлим ўзгариши ҳам сабаб бўляпти. Ачинарлиси, иқлим миграцияси кучайиб, қургўқчилик ва чўлланиш сабаб миллионлаб одамлар ўз уйлари ташлаб, бошқа жойларга кўчишга мажбур бўлмоқда.

Ушбу муаммолар мамлакатимизга ҳам бегона эмас. Орол денгизи фоҳиаси оқибатида юртдошларимиз сув танқислиги билан боғлиқ туپроқ шўрланиши, кўчиб юрувчи қумлар тарқалиш хавфи, чанг бўронлари ва қургўқчилик муаммоларига дуч келяпти. Иқлим ўзгариши ва доимий музликларнинг эриш жараёнининг тезлашиши натижасида сув ресурсларининг тақчиллиги йилдан-йилга кучайиб бормоқда.

Шу нуктага назардан, юртимизда чўлланиш ва қургўқчиликнинг олдини олиш бўйича манзилли ва тизимли ишлар амалга ошириляпти. Хусусан, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси рўёбга чиқарилаётгани, қуриган Орол ҳудудида саксовуллар экиляниши, ариқлар бетонлаштирилаётгани, томчилатиб сугориш жорий қилинаётгани, сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва барқарорлигини таъминлаш, фойдаланишдан чиққан ер майдонларини қайта фойдаланишга киритиш, ирригация тизимлари, гидротехник иншоотлари фаолияти самарадорлигини ошириш чоралари қўрилаётгани муаммони юмшатишга хизмат қилмоқда.

Президентимизнинг 2025 йил 30 майдаги “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида ҳамда ўрмонларни бошқариш тизимида ислохотларни изчил давом эттириш, яшил ҳудудларни кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ушбу йўналишда ягона давлат сиёсатини юритиш ва мувофиқлаштиришда муҳим аҳамият касб этаётир. Бинобарин, мазкур Фармон “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасидаги тадбирлар самарадорлигини ошириш, ўрмонлар ва яшил ҳудудлар майдонини кенгайтириш, улардан самарали фойдаланиш ҳамда чўлланишга қарши курашишни тизимли амалга оширишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Қайд этиш керак, юртимизда ҳар йили “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида яшил майдонлар кенгайтирилмоқда. Хусусан, Орол денгизининг қуриган тубида кейинги йилларда қарийб 2 миллион гектар майдон ўрмонлаштирилгани ҳамда ўрмон фонди фозларининг майдони мамлакат умумий майдонининг 25 фоизига ёки муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар майдонининг 14 фоизга етказилгани нафақат Ўзбекистоннинг миллий, балки минтақа давлатлари манфаатлари учун ҳам хизмат қилмоқда.

Янада аҳамиятли жиҳати — Президентимизнинг умумбашари экологик муаммоларни ҳамкорликда ҳал этиш борасидаги ташаббуслари турли халқаро анжуман ва учрашувларда илгари сурилаётгани, улар халқаро ҳамжамияти томонидан эътироф этилаётганидир. Бугунги кунда давлатимиз раҳбарининг атроф-муҳит муҳофазаси ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш борасидаги 4 та ташаббуси доирасида БМТнинг махсус резолюциялари қабул қилингани бунга аққол мисолдир. Улар, ўз навбатида, дунё мамлакатлари ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорлиқни кенгайтиришга хизмат қилади.

Мамлакатимизда чўлланиш ва қургўқчиликка қарши курашиш умуммиллий ҳаракатга айланмоқда. Юртимизнинг ҳар бир фуқароси ушбу умуммиллий ҳаракатнинг том маънодаги иштирокчисига айланиши шарт. Шундагина биз чўлланиш ва қургўқчиликка қарши курашиб, она табиятни асраб қоламиз.

Гулчеҳра ЖўРАЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг
Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш
масалалари кўмитаси аъзоси.

ВАЗИФАЛАР ФИДОЙИЛИКНИ ТАЛАБ ҚИЛАДИ

Кеча Президентимиз раислигида амалга оширилаётган ислохотлар натижадорлиги, ҳудудларда ишларнинг бориши, аҳолини ўйлантираётган масалаларга ечим топиш юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилиши мамлакатимиздаги давлат бошқарув тизимини такомиллаштириш, фуқаролар манфаатларига хизмат қилувчи механизмларни қайта кўриб чиқиш ва янги иш услубларини жорий этиш борасидаги муҳим қадамлардан бири бўлди.

Муносабат

Бинобарин, унда юртимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг бориши, мавжуд муаммолар, уларнинг ечимини бўйича аниқ вазифалар муҳокама қилинди. Бир қатор камчиликлар очик-ойдин тилга олиниб, мутасадди идора ва раҳбарларга аниқ кўрсатмалар берилди.

Йиғилишнинг асосий ҳулосаларидан бири шундаки, ҳозирги куннинг энг катта тўсиқларидан бири — маҳаллий даражадаги бюрократик тўсиқлар, инфратузилма етишмовчилиги ва идоралар ўртасидаги мувофиқликнинг етарли эмаслиги. Қўмқўргон туманидаги темир йўл шлагбауми мисолида кўтарилган масала, “Термиз — Сариосиё” темир йўлининг электрлаштирилмагани каби муаммолар нафақат ҳудудий ривожланиш, балки фуқаролар турмуш тарзига ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда.

Бундай ҳолатлар масъул ташкилотлардан фақат режалар эмас, амалий натижалар, ўз вақтида бажарилган вазифалар талаб қилаётганини кўрсатади. Газ таъминотидаги узилишлар, электр энергиясидаги муаммолар эса давлат раҳбари томонидан алоҳида эътиборга олинди ва бу соҳада тезкор чоралар кўриш талаб этилди.

Президентимиз фуқаролар мурожаатларига тўғри ва тезкор жавоб бериш кераклигини бир неча бор таъкидлади. Айниқса, халқ муаммоларини эшитиш ва уларга ечим топиш — ҳар бир раҳбарнинг доимий бурчи эканлиги эслатиб ўтилди. Тизимлардаги муаммо ва камчиликлар кўрсатилиши билан бирга, уларнинг ечимини бўйича ҳам аниқ чора-тадбирлар белгилаб берилди. Хусусан, биринчи ўринда давлат идораларининг ҳисобдорлиги ва очиклиги бўйича чора-тадбирларни кучайтириш муҳим аҳамият касб этди. Масалан, миқёси катта бўлган лойиҳалар ва давлат харидларида шаффофликни таъминлаш, ахборотнинг оммавийлиги ва жамоатчилик назоратини жорий қилиш зарурлиги қайд этилди.

Иккинчи жиҳат — давлат хизматчиларининг самарали фаолиятини таъминлаш учун рақамли технологияларни кенг жорий этиш зарурати. Мисол тариқасида, электрон ҳукумат тизимини такомиллаштириш ва давлат хизматларини онлайн кўрсатишни кенгайтириш каби чоралар қўрилоқда. Бу фуқароларнинг давлат билан муносабатларини енгиллаштиради ва бюрократияни камайтиради.

Учинчи муҳим вазифа — жамоатчилик билан фаол мулоқотни ташкил этиш. Президентимиз жамоатчилик фикрини тинглаш, маҳаллий аҳоли муаммолари ва так-

лифларини қабул қилиш учун янги платформа ва механизмлар яратиш вазифасини қўйди. Бу эса давлат идоралари ва фуқаролар ўртасидаги ишончни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Видеоселектор йиғилишида кадрлар салоҳиятини ошириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Давлат идоралари ва маҳаллий ҳокимликлар ходимларининг малакасини ошириш каби масалалар устувор аҳамият касб этади. Тизимда мавжуд камчиликлар инобатга олиниб, Халқ қабулхоналарида фаолият юритган барча ходимлар иши салбий баҳоланди. Бу масканларни фуқаролар муаммоларини ҳал этишда чинакам масъулиятни зиммасига оладиган фидойий ва салоҳиятли кадрлар билан тўлдириш вазифаси қўйилди.

Яна бир муҳим жиҳат, эндиликда Халқ қабулхоналарига тўғридан-тўғри вилоят ва туман ҳокимлари раҳбарлиги қилади. Ҳар бир ҳоким қулниқ иш фаолиятини ана шу жойда — халқ билан бевосита мулоқот қилиш, уларнинг муаммо ва таклифларини эшитишдан бошлайди.

“Ҳокимлар яхши англаб олишлари лозим — бугун юзага чиққан муаммо эртага қолдирилмайди. Ҳеч қандай мурожаат бошқа идорага йўналтирилмасдан, шу ернинг ўзида ҳал этилади”, деди давлатимиз раҳбари.

Мазкур жараёни самарали ташкил қилиш мақсадида туман ҳокимларининг ваколатлари кенгайтирилиб, зарур қўшимча ресурслар ажратилиши қайд этилди. Бу орқали Халқ қабулхоналаридаги раҳбарлик тизими такомиллаштирилиб, муаммоларни тез ва самарали ҳал этиш имконияти яратилди. Ҳокимларнинг бевосита жойида аҳоли мурожаатларини эшитиши ва қарор қабул қилиши масъулиятни оширади. Ўз навбатида, бюрократияни камайти-

ради ҳамда фуқароларга хизмат кўрсатиш сифатини яхшилайдди. Ваколатлар кенгайтирилиши ва қўшимча ресурслар ажратилиши, муаммолар ҳал этилишини таъминлайди.

Ушбу топшириқлар ва янгича иш услублари давлат бошқарувининг шаффофлиги ва самарадорлигини оширишда муҳим востига бўлади. Ўз навбатида, давлат бошқаруви тизимидаги ўзгаришлар ва янгича ёндашувларни амалга оширишда биз, депутатлар ҳам фаол иштирок этишимиз лозим. Яъни янги топшириқларнинг бажарилиши бўйича доимий мониторинг ўтказиш, давлат идоралари фаолиятида очиклиқни таъминлаш юзасидан қонунчилик ташаббуслари билан чиқиш муҳим вазифалардан саналади.

Шу боис сайловчиларимиз билан мулоқотда бўлиб, уларнинг муаммолари ва таклифларини аниқлаб, давлат идораларига самарали ечимлар таклиф қилишимиз керак.

Танқидий руҳда ўтказилган йиғилишда берилган топшириқлар ижросини таъминлаш орқали мамлакатимизда очиклик, инновация ҳамда демократик бошқарув принциплари янада мустаҳкамланади, иқтисоди ва ижтимоий ривожланиш учун қулай шароитлар яратилади.

Шу нуктага назардан, ҳар бир раҳбар, жумладан, биз, депутатлар ҳам белгилаб берилган залварли вазифалар ижросини таъминлашда янада фаол ва ташаббускор бўлишимиз керак. Зотан, ушбу жараёнда масъулиятни ҳис этиб, ҳар бир топшириқ ижроси устидан назорат ўрнатиб, халқ манфаатларини биринчи ўринга қўйиш барчамизнинг асосий вазифамиздир.

Шаҳноза ХОЛМАҲАМОВА,
Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси депутати.

Фаргона вилоятининг Фурқат туманидаги Қўқонбой маҳалласида ҳунармандчиликка ихтисослаштирилган мактаб-интернат очилди.

СУРХОНДАРЁ
томонлардаЙирик корхона ишга
туширилиш арафасида

Сурхондарёда фақат аграр тармоқни ривожлантириш мумкин, бошқа соҳа ва тармоқлар эса истиқболсиз деганлар қаттиқ аянглишади. Сўнгги йилларда воҳода корхоналар сони ортиб, саноат ҳам равнақ топмоқда.

Вилоятда 2017 йили 25 674 корхона фаолият юритган бўлса, айни пайтда уларнинг сони 50 мингтага яқинлашиб қолди. Чет эл инвестициялари иштирокидаги фаолият кўрсатаётган корхоналар эса 500 тадан кўп.

Ўтган йили ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 2023 йилдагига нисбатан 105,9 фоизга ўсиб, 54,4 трлн. сўмни ташкил этган бўлса, шундан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш улуши 14,9 трлн. сўмга етди.

Бу кўрсаткичларни давлатимиз раҳбари топишириги асосида “Термиз” эркин иқтисодий зонасида барпо этилаётган базальт хомашёсидан минерал вата ишлаб чиқариш заводи янада ошириши, шубҳасиз. 26 млн. долларлик инвестиция киритилиши ва 320 та янги иш ўрни яратилиши кўзда тутилган ушбу йирик лойиҳани “Surxon sendvich” МЧЖ амалга оширмоқда. Корхона ишга тушгач йилга 4,5 млн. долларлик маҳсулот экспорт қилинади.

Эҳтиёжманд оилаларга
янги уй қуриб берилади

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Сурхондарё вилояти бошқармаси томонидан воҳада оғир турмуш шaroитида яшаб келаётган 141 нафар хотин-қизнинг манзилли рўйхати шакллантирилди. Вилоят ҳоқимлиги эса уларнинг 28 тасига янги уй қуриб берадиган, 113 та оиланинг турархoйини тубдан таъмирлайдиган бўлди.

Бу борадаги хайрли амалларга ҳозирданок киришилди. Баҳарувечилар, назорат қиладиган масъуллар бириктирилди. Вилоят раҳбарининг ўзи дастлабки уйнинг пойдеворига тамал тошини қўйиб ҳам берди.

— Қийин шарoитда яшаётган эдик, — дейди Термиз туманидаги Қоракон маҳалласида яшовчи Насиба Раҳмонқулoва. — Оиладаги иқтисодий етишмовчилик сабабли янги уй қуришга имкониятимиз етмаётганди. Бизга шинам, замонавий уй қуриб бериладиган бўлди. Бундай ҳаммуҳир учун давлатимиздан миннатдорман.

Ушбу лoйиҳа мамлакатимизда инсон кадрни улуғланаётгани, аҳолининг эҳтиёжманд қатлами, хотин-қизлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётганининг намоёнидир.

«Сангардак» — 913 млрд.
сўмлик туристик марказ

Яқин келажақда юртдошларимизнинг сайру саёҳат учун чет элларга боришига ҳоҳат қолмайди. Туризм кишлогии — Сангардак ҳудудидagi 615 гектар майдонда умумий қиймати 913,3 млрд. сўм бўлган “Сангардак” туристик маркази барпо этилмоқда.

Сангардакнинг бетакоррoр табиати, осмонқор тoғлари, мусoффо ҳавоси, машхур шаршараси, маданий мерос объектлари аллақачон дунёга танилган. Бу ерга нафақат мамлакатимиз, балки Хитой, Покистон, Хиндистон, Беларусь, Россия, Япония, Қозoғистон, Қирғизистон, Тожикистон каби давлатлардан ҳар кун ич мингдан зиёд сайёҳлар ташриф буюради.

“Сангардак” туристик марказида 21 та ресторан, кафе ва барлар, 296 та савдо нуқтаси, 4 та уч юлдузли, 2 та беш юлдузли меҳмонхона, 10 та меҳмон уйи, санаторий, маданий ҳордиқ маскани, 1,6 км. узунликдаги дoр йўли, “zipline” ва пикник ҳудудлари қурилмоқда.

Эътиборлиси, Сангардак маҳалласига туташ ҳудуд — Нилу маҳалласини ҳам туризм кишлогига айлантириш лoйиҳалари бошланди.

Бу каби савий-ҳаракатлар Сурхондарё вилоятининг туризм салoҳиятини оширади.

Фарҳoд ЭСОНОВ
(«Халқ сўзи»).

Акс садо

ЎЗБЕКИСТОН

ИНВЕСТИТОРЛАРНИ ЧОРЛАМОҚДА

Илғор гоёлар, аниқ
мақсадлар сари

Нуфузли анжуманда Президентимиз инвестициялар учун кенг имкониятларга эга бўлган турли соҳаларни таклиф этди. Биринчиси — “яшил” иқтисодиёт соҳаси. Яхши биламизки, Ўзбекистон иқтисодиётини барқарор, тоза, экологик безарар энергия ресурслари билан таъминлаш учун айнан “яшил” энергетикани ривожлантиришга астойдил киришган.

Ўтган қисқа даврда мазкур соҳага қарийб 6 млрд. доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестиция кириб келди. Электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажми 59 млрд.дан 82 млрд. киловатт-соатга етди. Кейинги беш йилда бу кўрсаткич 120 млрд. киловатт-соатдан ошиб, “яшил” энергия улуши 54 фоизга етказилади. Айни пайтда Европада “яшил” энергия қувватларини экспорт қилиш ҳам режалаштирилмоқда.

Шунингдек, электр тармоқларини янгилашга ҳам 4 млрд. доллар жалб қилиш, жорий йилда Самарқандда, келгуси йилдан яна 8 та ҳудудда электр тармоқларини хусусий шерикликка бериш режалаштирилган. Бундан ташқари, илк бор “яшил” сертифицидан ва углерод бирликлари савдоси бошланди. Шу йил глобал углерод борзорларига қўшилиб, “Яшил Ўзбекистон” иқлим инвестициялари платформасини яратиш мақсад қилинган. Демак, мазкур мақсадларга эришиш учун хорижий инвестициялар сув билан ҳаводек зарур.

Иккинчи йўналиш — рақамли технология ва сунъий интеллект соҳаси. Маълумки, бутун дунёда мазкур йўналишларда рақобат бошланган. Бугунги кунда у иқтисодиётнинг драйверига айланиётганини мамлакатимизда шу йилнинг ўзига IT экспорти 1 млрд. долларга етгани ҳам исботлайди. 2030 йилга бориб бу кўрсаткични 5 қарра оширишга киришилган. Бунинг учун яқин беш йилда хусусий инвесторлар билан бирига қуввати 500 мегаваттдан зиёд 20 та “дата марказ” барпо этилади. Шунингдек, бой тарихимиз, азалий қадриятларимиз ҳамда янги креатив гоёларни мужассам этган сунъий интеллектнинг миллий модели ишлаб чиқилади. Бу тизим самарадорлигини таъминлаш учун давлат раҳбари бошчилигида “Бир миллион сунъий интеллект етакчилари” лойиҳаси аллақачон бошланган. Халқаро инвесторлар кўмаги билан Ўзбекистон нуфузли IT ва “Fintech” хабига айланиши шубҳасиз.

Учинчи йўналиш — молиявий тизим ва технологиялар. Банк, молия, сугурта, капитал бозори соҳаларини кейинги ривожланиш босқичига олиб чиқиш мақсадида Ўзбекистонда Молиявий барқарорлик кенгаши ташкил этилади, Марказий банкда киберхавфсизлик ва молиявий технологиялар платформалари ишга туширилади. Миллий қайта сугурталаш компанияси ва Глобал қайта сугурталаш рақамли платформаси яратилди. Стартаплар учун муқобил молиявий инструмент — венчурлар бизда тез ривожланиб борапти. “Муқобил инвестиция жамғармалари тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Ҳамкорлар билан биргаликда келгуси беш йилда венчур ва бошқа муқобил сармоялар ҳажминини 1 млрд. долларга олиб чиқиш мумкин.

Тўртинчи йўналиш — нодир металлари қазиб чиқариш соҳаси. Таъкидлаш керакки, бугунги “тўртинчи саноат инқилоби” “технологик минераллар”га талабни бир неча қарра кўпайтирмоқда. Ўзбекистонда вольфрам, молибден, магний, литий, графит, ванадий, титан ва бошқа минералларнинг катта захираси аниқланган. Умуман, ер ости бойликлариимизнинг салоҳияти 3 трлн. долларга баҳоланган. Минтақамизнинг минераллардан юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш “хаби”га айланиши учун Тошкент ва Самарқанд вилоятларида “Ке-лажақ металлари технопарки” бунёд этилмоқда. Бу борада давлатимиз раҳбари геология-кидирув ишларида бошлаб, тайёр маҳсулот занжирини йўлга қўйган инвесторларга ўн йил давомида рента солиғини қайтариб бериш ташаббусини илгари сурди.



қаларини мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Форум Ўзбекистонни замонавий, очик ва инвестициялар учун қўлай мамлакат сифатида тақдим этади, бу эса халқаро майдонда мамлакат имижини яхшилашга

Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигидаги фаровон Ўзбекистонни барпо этишнинг асосий стратегик устувор йўналишларидан бири сифатида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш масаласи алоҳида ўрин эгалламоқдаки, бунда интеграциялашган иқтисодий сиёсат, диверсификацияланган ишлаб чиқариш йўналишлари, давлат кафолатлари, эркин иқтисодий зоналарнинг ташкил этилиши, солиқ имтиёзлари ва сармоя учун қўлай муҳит яратиш борасидаги савий-ҳаракатлар натижасида мамлакат минтақадаги энг жозибador инвестиция манзилларидан бирига айланди.

Муваффақиятлар
намоиши учун
муҳим майдон

Тошкент халқаро инвестиция форуми — бу нафақат инвестицияларни жалб қилиш, балки Ўзбекистонни халқаро бизнес ҳамжамиятига танитиш, мамлакатнинг инвестициявий жозибadorлигини ошириш ва иқтисодий ислохотларнинг муваффақиятини намоиш этиш учун ҳам муҳим майдон. Форум хорижий инвесторлар учун Ўзбекистон иқтисодиётига сармоя киритиш имкониятларини ўрганиш, янги лoйиҳаларни муҳокама қилиш ва ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш учун қўлай платформа яратади.

Бу иқтисодий ўсишни рағбатлантириш нуктаи назаридан аҳамиятлидир. Жалб этилган инвестициялар янги иш ўринлари очиш, инфратузилмани ривожлантириш, технологияларни трансфер қилиш ва иқтисодий ўсишни рағбатлантиришга хизмат қилади. Форум халқаро молия институтлари, ҳукуматлар, бизнес вакиллари ва экспертлар ўртасидаги мулоқотни кучайтиради, ҳамкорлик ало-

қизмат қилади. Бунинг исботи ўларoқ сўнгги йилларда мамлакат иқтисодиётига 90 млрд. доллардан ортoқ хорижий инвестициялар жалб қилинган, бу эса ўтган йили миллий ялпи ички маҳсулотнинг 6 фоизга ўсишига ёрдам берди. Белгиланган режалар амалга ошадиган бўлса, 2030 йилга бориб Ўзбекистон иқтисодиёти 200 млрд. долларга етади ва бу жараёнда хорижий инвестицияларни жалб қилиш муҳим роль ўйнайди.

Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигидаги фаровон Ўзбекистонни барпо этишнинг асосий стратегик устувор йўналишларидан бири сифатида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш масаласи алоҳида ўрин эгалламоқдаки, бунда интеграциялашган иқтисодий сиёсат, диверсификацияланган ишлаб чиқариш йўналишлари, давлат кафолатлари, эркин иқтисодий зоналарнинг ташкил этилиши, солиқ имтиёзлари ва

Айтиши жоизки, IV Тошкент халқаро инвестиция форуми доирасида умумий қиймати 30,5 млрд. долларлик инвестиция ва савдо битимлари имзолангани унинг самарали ва кўтаринки руҳда ўтганидан далолат беради. Инвестор ҳеч қачон бирор-бир лoйиҳага ўз-ўзидан сармоя киритмайди. Ҳамкор излашдан аввал атрофни ўрганади, сармоя киритмоқчи бўлган мамлакатнинг имкониятлари билан танишади, таҳлил қилиб, ўзича қамалайди ва шундан кейин бир қарорга келади. Чунки амалга ошириладиган лoйиҳага катта пул тикилар экан, унинг самара бериши барча томон учун бирдек зарур. Имзоланган келишувлар шундан далoлат берадики, Ўзбекистонга ишонч қайтди. Форум доирасида Тошкент вилоятида қуввати 1400 мегаватт бўлган иссиқлик электр станциясини қуриш лoйиҳасини амалга ошириш, Фарғона вилоятининг Беширик туманида қуввати 500 мегаватт, Наманган вилоятининг Поп туманида қуввати 200 мегаватт бўлган қуёш фотоэлектр станцияларини қуриш бўйича инвестиция ҳамда электр энергиясини сотиб олиш

Ўзбекистонга халқаро ҳамжамиятнинг қизиқиши кун сайин ортиб борапти. Яқинда пойтахтимизда бўлиб ўтган IV Тошкент халқаро инвестиция форуми мамлакат иқтисодиёти учун янги имкониятлар эшигини очди. Очилишини айтганда, глобал хавфсизлик ва барқарор ривожланишга жиддий таҳдидлар тобора кучайиб, геосиёсий жараёнлар кўз ўнгимизда шиддат билан ўзгараётган, жаҳонда қуролланиш пойгаси яна авж олган бир паллада инвестицияларни жалб этиш осон иш эмас. Ваҳоланки, иқтисодий инқироз асоратлари, молиявий ресурслар тақчиллиги туфайли жаҳон ялли ички маҳсулотининг ўсиш суръатлари кетма-кет уч йил давомида пасаймоқда. Президентимиз таъбири билан айтганда, халқаро ҳуқуқ нормалари ва дипломатия кучи заифлашмоқда. Энг ачинарлиси, инсоният учун долзарб муаммолар — озиқ-овқат хавфсизлиги, камбағаллик, иқлим ўзгаришлари каби масалаларга эътибор қайтарилмоқда. Шу боис халқаро инвестиция форумида давлатимиз раҳбари дунёда тинчлик, адолат ва инсон қадрига бўлган умумий ишончни тиклашга, можароларни фақат дипломатия йўли билан ечишга қачирди.

сармоя учун қўлай муҳит яратиш борасидаги савий-ҳаракатлар натижасида мамлакат минтақадаги энг жозибador инвестиция манзилларидан бирига айланди.

Бюджет тақчиллигини қайтариш, ички банк секторини ривожлантириш, давлатга қарашли корхоналарнинг шартли мажбуриятларини қайтариш, хусусий секторнинг фаол ролини ошириш, ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, техник таълимни кучайтириш, олий таълим ва саноат ўртасидаги тафовутни қисқартириш, билимга асосланган иқтисодиётни яратишда қатъий давом этиш, иқтисодий институтларни мустаҳкамлаш ва бошқалар янги Ўзбекистонда фаровон жамият қуриш мақсадларига эришишда муҳим омил ҳисобланади.

Давлатимиз раҳбари ушбу форумдаги нутқида инвесторларнинг ишончини янада кўпроқ қозониш ва ислохотлар изчиллигини таъминлаш йўлида Ўзбекистон дадил қадамлар ташлашини эълон қилди. Энг аввало, глобал ишлаб чиқариш занжирларида хар бир давлат учун тенг шарoитни таъминлайдиган ишончли қоидалар ўрнатилишида! Ўзбекистон Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш борасида дадил қадамлар ташламоқда. Бунинг учун ўнлаб қонун, юзлаб стандартлар халқаро талабларга мослаштирилди ва бу ишлар шу йил тўлиқ якунига етказилади.

Мамлакатимизда хорижий сармоядорларга янада қўлай муҳит яратиш учун маҳаллий компаниялар билан бир хил шарoитларни кафолатловчи “миллий режим” жорий қилинади, давлат органлари билан муносабатга киришишда “ягона дарча” тамойили татбиқ этилиши белгиланади, инвестиция фаолиятини ортoқча текширувлардан кафолатли ҳимоялаш тизими яратилади. Булар орқали 2030 йилга бориб Ўзбекистоннинг кредит рейтингини “инвестицион” даражага олиб чиқиш мақсад қилинган.

Бундан ташқари, давлат компанияларини хусусийлаштиришда уларни юртимиз фаровонлигига хизмат қилувчи йирик активларга айлантириш кўзда тутилган. 18 та йирик компания ва банклардаги қарийб 2 млрд. долларлик давлат улушини ўзига бирлаштирган “Миллий инвестиция жамғармаси” ташкил этилди. Жамғарма бошқарувига нуфузли “Franklin Templeton” компанияси жалб қилинди. Келгуси йилнинг ўзига жамғарманинг акциялар пакети халқаро IPO га чиқарилади. Шунингдек, профессионал кон-

битимлари имзоланди. Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида — Сарюсий туманидан Шахрисабз туманигача янги пулли автомобиль йўли қурилади.

Янги Наманган шаҳарчаси ҳудудида эса замонавий кўп қаватли уй-жой ва офислар барпо этилади. Хавфли чиқиндиларни қайта ишлаш орқали электр энергияси ишлаб чиқариш лoйиҳасини молиялаштириш бўйича ҳам келишувга эришилган. Бундан ташқари, Ўзбекистонда саноат, энергетика, фармацевтика, қишлоқ ҳўжалиги ва бошқа соҳаларни ривожлантиришга қаратилган кўплаб инвестиция шартномалари имзоланди. Ушбу лoйиҳаларни яқин йилларда амалга ошириш бевосита мамлакат тараққиётига, аҳоли бандлигини таъминлаш ва фаровонлигини оширишга, ҳудудларда инфратузилма, иқтисодиёт тармоқлари кенг ривожланишига йўл очади.

Тўлқин ТЕШАБОВЕВ,

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректори, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.

«Халқ сўзи».

Ўзбекистон ЖСТга аъзо бўлиш жараёнини жадаллаштирмоқда

Швейцариянинг Женева шаҳрида Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ)га аъзо бўлиш жараёнини қўллаб-қувватлаш мақсадида юқори даражадаги семинар ва ахборот сессиялари бўлиб ўтди.



Ушбу тадбирда Президентнинг ЖСТ масалалари бўйича махсус вакили Азизбек Ўрунов, Савдо-саноат палатаси раиси Даврон Ваҳобов бошчилигидаги Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича жамоатчилик кенгаши аъзолари, шунингдек, Жаҳон банки, Халқаро валюта жамғармаси каби нуфузли халқаро молиявий институтлар вакиллари,

миллий ҳамда халқаро экспертлар қатнашди.

Семинар доирасида савдодаги техник тўсиқлар (ТВТ), санитария ва фитосанитария чора-тадбирлари (SPS), миллий стандартларни ЖСТ талабларига мувофиқлаштириш каби муҳим масалалар муҳокама қилинди. Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар, савдо сиёсатини либераллаштириш, экспортни рағбатлантириш ва халқаро бозорларга чиқиш имкониятларини кенгайтиришга қаратилган амалий тавсиялар илгари сурилди.

Учрашувда Ўзбекистондан ўндан ортoқ тадбиркорлик субъектлари — қишлоқ ҳўжалиги, электротехника ва тўқимачилик соҳасида фаолият юритувчи экспортчилар иштирок этди. Тадбиркорлар ЖСТга тўлиқ аъзо бўлиш жараёнини жадаллаштириш мақсадида қандай имкониятлар мавжудлиги ҳақида маълумотга эга бўлди. Шунингдек, жамоатчилик кенгаши томонидан ушбу масалаларни кенг оммага етказиш юзасидан тушунтириш ишлари ташкил этилиши режалаштирилмоқда.

Навоийдаги Лангар қўрғониди кемпинг, узунлиги 800 метрилик зиплайн, 200 метрилик тубинг, замонавий ресторан ва селфи зона ишга тушди.

Истам ИБРОҲИМОВ
(«Халқ сўзи»).

ИНСОН ҚАДРИ ВА ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДА

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг бош мақсади — инсон қадрини юксалтириш, ҳар бир фуқароннинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётий манфаатларини рўёбга чиқаришдан иборат. Янги Ўзбекистонни барпо этиш стратегияси доирасида ижтимоий соҳага алоҳида эътибор қаратилиб, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, камбағалликни қисқартириш ва сифатли ижтимоий хизматлар кўрсатиш йўналишларида улкан ишлар амалга оширилмоқда.

Нуктаи назар

«Янги Ўзбекистон — ижтимоий давлат»

Янгилаган Конституциямизнинг биринчи моддасида Ўзбекистон — суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат деб қатъий белгилаб қўйилгани тарихий аҳамиятга эга. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, халқимизнинг хоҳиш-иродаси билан Асосий Қонунда муҳрланган бу принциплар — мамлакатимизнинг тараққиёт йўли ва тақдирини, унинг келажагини белгилаб берган ушбу “бешта устун” ҳеч қачон ўзгартирилмайди. Зеро, бу тамойиллар фақат ва фақат халқимиз, Ватанимиз манфаатларини ҳимоя қилишни, тенгсиз ва буюк неъмат — мустакиллигимизни асраб-авайлаш, уни янада мустақамлаш ва келгуси авлодларга мерос қилиб қолдиришни кўзлайтиди.

Конституциянинг янги таҳрири туфайли давлатнинг ижтимоий мажбуриятларига оид нормалар қарийб уч баравар ортди. Бош қомусимизга “Янги Ўзбекистон — ижтимоий давлат” тамойили конституциявий норма сифатида мустақамланди, болалар меҳнатига йўл қўймаслик, ногиронлиги бор шахслар ва кекса авлод вакиллари ҳуқуқларининг ишончли муҳофазасини таъминлаш, фуқароларнинг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд тоифаларини уй-жой билан таъминлаш, меҳнатга ҳақ тўлашининг энг кам миқдори белгиланиши, фуқаролар тиббий ёрдамнинг қафолатланган ҳажмининг давлат ҳисобида олишга ҳақлиқлиги каби қўшимчалар киритилди. Натижада фуқароларнинг конституцион нормалар орқали қафолатланган ижтимоий иқтисодий ҳуқуқ ва эркинликларини давлатнинг тегишли мажбурияти билан мустақамланди. Бу эса, ўз навбатида, сўнгги йилларда Харакатлар стратегияси доирасида эришилган натижалар ва Тараққиёт стратегияси доирасида белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун мустаҳкам конституцион ҳимояни таъминлашга хизмат қилди.

“Ижтимоий давлат” ва “инсон қадрини” тушуначалари бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, ушбу гоёнинг туб негизиди, аввало, инсон ҳақ-ҳуқуқларини улуғлаш, аҳолига хизмат қилишдек олийжа номақсад муқассам. Ижтимоий давлат ҳар бир инсон учун ижтимоий тенглик ва адолат тамойиллари асосида муносиб яшаш шароитини яратиб беради. У ижтимоий тафовутларни камайтириш, муҳтожларга ёрдам бериш бўйича самарали сиёсат олиб борадиган давлат моделидир. Шунингдек, ижтимоий давлат муҳтожларга уй-жой, яшаш учун зарур бўлган истеъмол товарларининг энг кам миқдори белгилаб қўйилишини назарда тутди. Шахс ва унинг oilаси муносиб ҳаёт кечириши учун етадиган иш ҳақи, бандликни таъминлаш, хавфсиз меҳнат шaroитини яратиш, камбағалликни қисқартиришни талаб қилади. Кейинги йилларда аҳоли турмуш даражасини юксалтириш, бандликни таъминлаш, қафолатланган сифатли таълим, малакали тиббий ёрдам, барча учун тенг имкониятлар яратиш, oilалар, болалар, аёллар, қариялар, ногиронлиги бор шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ислохотлар замирида ҳам ана шундай эзгу мақсадлар ётади.

Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, “ижтимоий давлат” тушунчаси ilk бор 1850 йилда Лоренс фон Штейн томонидан қўлланилган. У давлатнинг вазифаси ижтимоий тенглик ва шахсий эркинликни ўрнатиш, қуйи ва кам таъминланган табақаларни бойлар ва қудратлилар даражасига кўтаришдан иборат деб ҳисоблаган. Миллий давлатчилигимиз тарихини ўрганганимизда ҳам “ижтимоий давлат”

тушунчаси шунга ўхшаш номларда қўллаб учрашига гувоҳ бўламиз. Масалан, IX-X асрларда яшаб иход қилган Абу Наср Форобийнинг “Фозил одамлар шахри” асарида фозил шахар ҳақида билдирилган фикрлар айнан “ижтимоий давлат” тамойилининг мазмун-моҳиятини очиб беради. Шунга ўхшаш фикрлар Низомий Ганжавий, Саъдий Шерозий, Алишер Навоий, Аҳмад Дониш каби буюк аждодларимиз асарларида ҳам учратиш мумкин.

Президентимиз ушбу тушунчани изоҳлар экан “Ижтимоий давлат бу, энг аввало, инсон салоҳиятини рўёбга чиқариш учун тенг имкониятлар, одамлар муносиб ҳаёт кечиришига зарур шарoитлар яратиш, камбағалликни қисқартириш,

тириш, турмуш шарoити ва сифати жиҳатдан табақаланишга йўл қўймаслик каби масалаларга давлат сиёсати даражасида алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ишсизликдан ҳимояланиш, қафолатланган сифатли таълим бериш, малакали тиббий ёрдам кўрсатиш, болалар, аёллар, қариялар, ногиронлиги бўлган шахсларни, мигрантлар ва уларнинг oilа аъзоларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш давлатимизнинг доимий диққат марказида. Давлат бюджетининг асосий қисми айнан шу каби масалаларга йўналтирилаётгани ҳам фикримизнинг амалий тасдиғидир. Алоҳида таъкидлаш жоизки, ижтимоий ёрдамга муҳтож бўлган oilалар, аёллар ва ёшларни қўллаб-қувватлаш учун республика миқёсида жорий этилган “темир дафтар”, “аёллар дафтари”, “ёшлар дафтари” ва маҳаллабай ишлаш тизими ҳам ижтимоий давлатнинг моҳиятини ва ҳаётий кўринишини намоён этмоқда.

Мамлакатимизда ижтимоий соҳада амалга оширилаётган ислохотлар ва уларнинг ижобий натижалари ҳам диққатга сазовор. Хусусан, “Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг дастлабки мақсади ҳисобланган таълим соҳасидаги ислохотларга тўхталиш жоиз. Бола-



Олий таълим муассасалари 2,5 баробарга ошиши, яъни уларнинг сони 200 дан ортishi, ўз навбатида, олий таълимга қамров даражаси 9 фoиздан 43 фoизга ортishiга замин яратди. Шу қаторда 40 дан зиёд oлийoҳларга академик ва молиявий мустақиллик берилиши улардаги таълим шарoити ва сифати сезиларли даражада юксалишига ҳисса қўшганини қайд этиб ўтиш ҳам адолатдан бўлади.

Аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини уй-жой билан таъминлаш ҳам ижтимоий давлатнинг муҳим вазифаларидан биридир. Таъкидлаш ўринлики, сўнгги саккиз йилда мамлакатимизда 500 мингга яқин янги уй-жой қурилиб, фойдаланишга топширилди. Уй-жойга бўлган эҳтиёжни қондириш бўйича биринчи марта аёллар ва ёшларга, эҳтиёжманд oilаларга субсидиялар ажратиш тизими йўлга қўйилди. Тизим қoнуний, адолатли ва шаффоф ишлаши учун онлайн платформалар ишга тушди.

Айниқса, ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларни иш билан таъминлаш ва бўш вақтини мазмунли ўтказиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Ёшлар бандлигини таъминлашда илгор замонавий усуллардан фойдаланган ҳолда йигит-қизлар мизини “Future Skills Uzbekistan” ва “Бир миллион дастурчи” лойиҳалари доирасида IT касбларига, “Ёшлар 1+1” ва “Тадбиркор аёл” лойиҳалари доирасида тадбиркорлик кўникмалари ва хорижий тиллар бўйича ўқитилаётгани эътиборга молик. Ёшлар ва хотин-қизларда замонавий касб, тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш мақсадида “Ишга марҳамат”, банд бўлмаган аҳолига хизмат кўрсатувчи “Мономарказ”, туман ва шахар касб-хунар-га ўқитиш марказлари, маҳалла-ларда касб-хунарга ўқитиш масканлари фаолият юритмоқда.

Ислохотлар марказида — инсон

Асосий Қoнунимизда мамлакатимиз ижтимоий давлат эканининг мустақамлаб қўйилиши янги Ўзбекистон мазмун-моҳиятига ҳам шаклан, ҳам маънан мос бўлади, десак, айни ҳақиқат. Эътироф этиш керакки, мавжуд стратегияларнинг мақсадларига эришишда Президентимиз асосий эътиборни биринчи галда янги Ўзбекистон учун энг катта инвестиция ҳисобланган таълимни ривожлантиришга қаратиш кераклигини таъкидлади. Эндиликда мамлакатимизда нафақат мактаб қурилиши ва сифатли таълимга, шу билан бирга, сифатли таълим негизини яратувчи “соғлом турмуш тарзи ҳамда соғлом ва сифатли овқат билан таъминлаш”га ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Мазкур тажриба 2022 йилдан бошлаб Қорақалпоғистон ва Хоразмда йўлга қўйилиб, 285 минг бошланғич синф ўқувчиси учун бепул овқатланиш йўлга қўйилди. 2023 йилдан эса ушбу амалиёт қолган вилоятлар ва Тошкент шаҳри мактабларида ҳам жорий этилиб, бу-нинг учун Давлат бюджетидан етарли маблағ ажратилди. Хуллас, “Таълим учун инвестиция — буюк келажакка сармоя” шиори остида улуғсиз таълим тизимини такомиллаштириб бoриш, сифатли таълим-тарбия бериш, малакали

Янги Ўзбекистон — ижтимоий давлат сари дадил қадам ташламоқда. Амалга оширилаётган ислохотларнинг марказида инсон, унинг манфаатлари ва фаровонлиги турибди. Давлат аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, камбағалликни қисқартириш ва сифатли ижтимоий хизматлар кўрсатиш орқали ҳар бир фуқароннинг муносиб ҳаёт кечириши учун шарт-шaroит яратишга интиломоқда. Бу эса янги Ўзбекистоннинг асосий мақсадларидан бири — адолатли ва фаровон жамият қуришга хизмат қилади.

Баҳодир ХОЛИҚОВ,
Самарқанд давлат чет тиллар институти ректори, профессор.

кадрларни тайёрлаш бўйича катта ислохотлар амалга оширилди.

Бош қомусимизда алоҳида модда сифатида киритилган таълим соҳаси ҳимаятимиздаги энг долзарб, ислохотлар талаб етadиган йўналишлардан бири ҳисобланади. Биринчи навбатда, ўқитувчилар мақомини кўтарishi, уларнинг кадр-қимматини юксалтириш Конституцияда ифoдаланди. Устоз-мураб-бийлар кадрланган давлатда эса ёш авлодни ҳар томонлама етук инсон қилиб тарбиялашга замин яратилди. Ўқитувчиларнинг вазифаси — баркамол авлоднинг тарбиялаш билан бирга миллий қадриятларимиз, анъаналаримизни авлоддан-авлодга етказуви мутахассислар тайёрлаш. Шу боис уларнинг ҳуқуқ ва эркинлиги қoнун билан мустаҳкамланмоқда.

Хуллас, Ўзбекистонимизда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш, турмуш даражасини яхшилаш мақсадида бир қатор муҳим қарорлар қабул қилинди ва амалга оширилмоқда. Жумладан, кам таъминланган oilаларни қўллаб-қувватлаш: “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими жорий этилиб, кам таъминланган oilаларга давлат томонидан моддий ёрдам ва ижтимоий нафақалар тўлаш тартиби соддалаштирилди. Бунинг натижасида ёрдамга муҳтож oilаларнинг манзилли қўллаб-қувватланиши таъминланди. Пенсия тизими ислоҳ қилиниб, унинг миқдорлари мунтазам равишда оширилмоқда. Бу эса кекса авлод ва килларининг ижтимоий ҳимоясини кучайтиришга хизмат қилмоқда. Ногиронлиги бўлган шахслар учун тиббий-ижтимоий хизматлар кўрсатиш сифатини ошириш, уларни иш билан таъминлаш ва жамиятга интеграция қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга ошириляпти. Иш ўринлари яратиш, касб-хунарга қўйтиш ва қайта тайёрлаш дастурлари орқали аҳолининг бандлик даражасини оширишга қаратилган савй-ҳаракатлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистонда камбағалликни қисқартириш масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Бу борада камбағалликни аниқлашнинг илмий асосланган мезонлари ишлаб чиқилиб, унинг сабаблари ва омилларини чуқур таҳлил қилиш асосида манзилли чора-тадбирлар белгиланмоқда. Камбағалликни қисқартириш бўйича миллий стратегия ва худудий дастурлар ишлаб чиқилиб, уларнинг ихроси доимий назоратга олинган. Камбағал oilаларни тадбиркорликка жалб қилиш, имтиёзли кредитлар ажратиш ва бизнес кўникмаларини ўргатиш орқали ўз-ўзини банд қилиш имкониятлари кенгайтириляпти. Қишлоқ жойларда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш, йўллар, сув таъминоти ва электр таъминотини яхшилаш орқали аҳолининг турмуш шарoитларини яхшилашга эришилмоқда. Ўзбекистонда 2024 йил якунига қўра камбағаллик даражаси 11 фoиздан 8,9 фoизга камайди. Юқорида қайд этилган ислохотлар ва дастурларнинг амалга оширилиши натижасида аҳоли турмуш даражаси сезиларли даражада яхшиланди. Масалан, “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида минглаб қишлоқ ва маҳаллалар қиёфаси ўзгарди, аҳолининг яшаш шарoитлари яхшиланди. Тиббийё таълим соҳасаларининг моддий-техника базаси мустақамланди, сифатли тиббий хизмат кўрсатиш имкониятлари кенгайди. Таълим соҳасида амалга оширилган ислохотлар натижасида ёшларнинг билим олиш ва касб эгаллаш имкониятлари ошди.



Сафина — халқаро турнир волиби

Польшанинг Белосток шаҳрида енгил атлетика бўйича халқаро турнир ўтказилди.



Бутунжаҳон енгил атлетика федерацияси тақвими-дан ўрин олган “бронза” даражадаги мазкур мусобақада Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Сафина Саъдулаева иштирок этиб, олтин медалга сазовор бўлди. Баландикка сакраш дастурида қатнашган юртдошимиз 1.90 метр билан мавсумдаги энг юқори натижасини кўрсатди. Кейинги ўринларни украиналик Катерина Табашкина (1.87) ва польшалик Виктория Миасо (1.84) банд қилди.

Ёш боксчиларимизнинг муваффақияти

Хабар берилганидек, 10 — 14 июнь кунлари Қирғизистоннинг Чўпонота шаҳри IX халқаро “Қирғизистон гавҳари” спорт уйинларига мезбонлик қилди.



Ушбу турнирнинг бокс баҳсларида Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси ҳам иштирок этди. Аҳамиятлиси, мусобақада қатнашган 7 нафар боксчимиз (А. Раҳимжонов, К. Баҳодиров, Ж. Махамадисоқов, А. Эсонбоев, И. Шокиржонов, Ж. Тўйчибоев, А. Султонбоев)нинг барчаси якунда олтин медалларга эга чиқди.

Чавандозларимиздан навбатдаги ғалаба

Яқинда Россияда от спортининг конкур йўналиши бўйича Евроосиё лигасининг “Grand Prix” босқичи ўтказилди.



Мазкур мусобақанинг 150 см. баландликдаги тўсиқлардан от сакратишда ҳамюртимиз Акбар Ша-рипов “Afir” лақабли тул-пориди энг яхши натижага қайд этган ҳолда ғолиб бўлди. Шунингдек, ушбу йўналишдаги иккинчи ча-вандозимиз Бекзод Курбо-нов “Matss VG” номли тул-пориди бронза медаль билан тақдирланди. Маълумот учун: ўтган ҳафта якунида ташкил этилган халқаро турнирда Алишер Эрқинов олтин, ку-муш ва бронза медаллари-ни қўлга киритган бўлса, Бекзод Курбонов (“Matss VG”) бронза медалга са-зovор бўлганди.

Терма жамоамиз аъзолари иккинчи бўлди

Италияда пара академик эшкак эшиш бўйича жаҳон кубоги давом этмоқда. Биз учун аҳамиятлиси, унда мамлакатимиз терма жамоаси аъзолари ilk медалини қўлга киритди.

Хусусан, жаҳон кубоги-нинг “PR2m1x” дастурида-стартга чиққан ҳамюртимиз Дибёрбек Бойбўлсинаов фи-налгача етиб борди ва маррага 8 дақиқа 42.71 со-нияди иккинчи бўлиб етиб келган ҳолда қумуш медал билан тақдирланди. Жаҳон кубогининг ушбу йўналишидаги олтин ва ку-муш медаллар ирландия-лик ҳамда туркиялик спортчиларга насиб этди.

«Халқ сўзи».

18 — 20 июнь кунлари пойтахтимизда дамли чолғу оркестрлари ва ансамбллари ўртасида «Дамли созлар навоси» халқаро фестивали бўлиб ўтади.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 642. 13 107 нусxada босилди, ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қoғoз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; кoпибист 71-259-74-53;
эълoнлар 71-259-74-45.



Таҳририятга келган қўёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг сўзасиб берилиши учун oбунини расмийлаштирган ташкилот жавoбoр.
Газета таҳририят компьютер марказида термиди ҳамда оператор М. Бегмуртов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфия жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” наприёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Бoсмаҳона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислoм Қаримов кўчаси, 55-ўй.
Навбатчи муҳаррир — С. Мамиров.
Мусаҳҳих — Ш. Машрабoвoв.

“Шарқ” наприёт-матбаа акциядорлик компанияси бoсмаҳонаси. Корхона манзили:
Буюк Турoн кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.00 Топширилди — 00.55 1 2 3 4 5 6